
“Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағларининг йўналтирилиши тўғрисида ҳисобот

2022 йил 1 январь ҳолатига “Саховат ва кўмак” жамғармалари ҳисоб рақамларида 2 млрд. 253,4 млн. сўм қолдиқ маблағлари мавжуд бўлиб, ўтган олти ой давомида вилоят бўйича “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳузуридаги “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисоб рақамларига 15 млрд. 879,1 млн. сўм маблағ йиғилди. Ўтган олти ой давомида Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қарори асосида қарийб 28 минг 482 оилага 15 млрд. 343,5 млн. сўм маблағ сарф этилди.

Жумладан, маҳаллаларда ташкил этилган “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”га кирган фуқароларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Ўтган олти ой давомида “Темир дафтар”га киритилган 7294 нафар фуқароларни моддий қўллаб-қувватлашга 4 млрд. 296,7 млн. сўм маблағ йўналтирилди. “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлашда ҳам муҳим молиявий манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур дафтарга кирган 660 нафардан кўпроқ хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш учун 290,3 млн. сўм маблағ йўналтирилган. Бундан ташқари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга, кўп фарзандли оилаларга, ногиронлиги бўлган шахсларга ва ёлғиз қариялар каби эҳтиёжманд оилаларнинг 20 528 нафарига 10 млрд. 756,4 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

2022 йил 1 июль ҳолатига “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисоб рақамларида вилоят бўйича 2 млрд. 789, млн. сўм пул маблағлари мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-73-сон Қарори 8-илоvasи 20-бандига мувофиқ “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви томонидан республика миқёсида “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағларини йўналтирилиши юзасидан ҳисоботи O‘zbekiston24 телеканали орқали 2022 йил 20 апрелдаги брифинги давомида ўқиб эшиттирилди, шунингдек, республика бошқаруви расмий веб-сайти (<https://obfm.uz/uz>)га 23 апрель ва 26 майда жамғарма маблағларидан фойдаланиш юзасидан ҳисобот жойлаштирилди.

“Саховат ва кўмак” жамғармасидан кам таъминланган оилаларга маблағ ажратиш фақатгина халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг қарори билан амалга ошириб келинмоқда.

2022-07-26 15:16:05